

ГАДОЙ ҒАЗАЛЛАРИДА ҚОШ ВА КҮЗ ТИМСОЛИНИНГ БАДИЙ ТАЛҚИНЛАРИ

Норкулова Шахноза Тулкиновна

ТИСУ доценти (PhD).

Э-mail: norqulovashaxnoza8@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14173808>

Аннотация. Мақолада Гадоий ғазалларида қош ва күз тимсоли билан бөглиқ мавзуу төвәрағида фикр юритилиб, шоирнинг бу борадаги маҳорати масалаларига ургу берилади.

Таянч сүз ва иборалар: қош, күз ва киприк, соч, лаъл, хол, ашк, қорачиг, киприк, қабоқ, дур, жоду, чарос, тимсол, гоя, талқин, маҳорат.

ARTISTIC INTERPRETATIONS OF THE EYEBROW AND EYE SYMBOLS IN GADOI'S POEMS

Abstract. The article touches upon the topic of depicting eyebrows and eyes in Gadoi's gazelles, emphasizing the skill of the poet in this regard.

Key words and phrases: eye, eyebrow, lip, spot, tear, pupil, eyelash, eyebrow, pearl, magic, charos, emblem, idea, interpretation, skill.

ХУДОЖЕСТВЕННЫЕ ИНТЕРПРЕТАЦИИ СИМВОЛОВ БРОВЕЙ И ГЛАЗ В СТИХАХ ГАДОИ.

Аннотация. В статье затрагивается тема изображения брови и глаза в газелях Гадои, подчеркивается мастерство поэта в этом плане.

Ключевые слова и выражения: глаза, брови, губы, рубин, родника, слёзы, зрачок, ресницы, чарующий, мастерство, искусность, образ, идея, изображения.

Гадоий ғазалларида қош ва күз тимсолига мурожаат этилар экан, бунда асосий мудда маңышука жамолини жонли ифодалашдан иборатдир. Биз шоир ғазалларида мавжуд қош ва күз таърифи келтирилган мисра ёки байтлардан айримларини танлаб, таҳлил этишга интилгандар.

Кизиғи биз шоир ғазаллари ҳар икки тимсолининг ёнма-ён келтириб таърифланган мисра ва байтларига эътибор қаратдик. Ҳар икки тимсолининг бир ғазал байтларининг турли ўринларида келиш одатий ҳол, лекин уларнинг бир байт ичидаги ёнма-ён келиш кам учрайдиган ҳодисасы.

Эй жамолингдин ҳувайдо құдрати зоти қадим,

Күзу қошиңг сунъи «Бисмиллоҳир раҳмонир раҳим»

Байтнинг зоҳирий (ташқи) ва ботиний (ички) маъносини тушунишга ҳаракат қиласиз, чунки мумтоз шеъриятда аксар сўз, ибора, мисра, байтнинг сиртқи ва ички таг маънолари бўлади. Шоир айтмоқчи, зоти қадимнинг қудрати сенинг ҳуснингдан аён, яъни кўзу қошингнингяра-тилишидан мақсад раҳмли ва меҳрибон Аллоҳ номи илиа чамбарчас боғлиқ.

Байтнинг ички маъносига келсак, зоти қадим - Аллоҳ, унинг қудрати туфайли инсон чиройли этиб яратилган, бу ҳаммага маълум. Шундан Аллоҳ бор хунарини ишга солиб, сенинг ҳуснинг ҳуснига зеб бермоқ нияти илиа кўзу қошингни ижод этган. Шунинг учун сен Аллоҳ каби раҳмли ва меҳрибон бўлишинг лозим, таассуфки, сен доимо бунинг тескарисига мойиллигинг кучлироқдир. Байтда «сунъи» - тонг шабадаси орқали кўз ва қошнинг тим қоралигига ҳам ишора бор, айни замонда бомдод намозининг, тонгда гирашира қоронғу (кўз ва қош қора) да ўқилиши ҳам англашилмоқда.

Гадойининг бошқа бир байтида биратўла қош, кўз ва киприк таърифи берилади, зеро улар ўзаро ёнма-ён туради, уларнинг қўним жойлари маъшуқанинг зебо юзи.

Дарҳақиқат, шеърда айтилгани сингари қош ва кўз оралиғида киприк жойлашган, айни замонда киприк ўртада:

*Қошу кўзунгдин шикоят қилсан, айтур кирпугунг:
«Айб эмасдур бир-бир устинда келур келса бало».*

Байтнинг туб мазмуни: қош, кўз, киприк ёки қош, киприк ва кўз устма-уст жойлашган бўлиб, бало - баҳтсизлик, гоҳо баҳтлиликнинг ёнма-ён юришига мажозан ишора этилмоқда.

Мумтоз шеъриятда қош аксаран ҳилол (янги ёй)га, ёй (камон - қавс)га, ошуб (ғавғочилар)га, меҳроб (қайрилма шакл)га, тоқ (ярим доира шакли)га, хаданг (ўқ) га менгзалади. Кўз бўлса нарғис (бўта кўз)га, кавкаб (юлдуз)га, қирон (икки сайёра тўқнашуви)га, ғамза (ишва)га ва бошқаларга ташбиҳ этилади. Гадойи ғазалларида бу ҳадисларнинг бари учрайди таъкидлаганидек, биз олган мисолларда қош билан кўз ёнма-ён таърифланади. Биз танлаган байтлардан бирида:

*Ул хумори нарғизи мастонасиндин, оҳ-оҳ,
Қоши ёсиндин даги кирпук ўқидун юз физон.*

тағин кўз, қош, киприк биргалиқда келмоқда, тўғри қош ва киприк очиқ айтилган ҳолда кўз пинхон тутилган. Биринчи мисрада тўлиғича кўз таърифи бор, чунончи: хумор, нарғиз, мастрона сўzlари айни кўзга ишорадир. Иккинчи мисрада қош ва киприк берилиб, қош -ёйга, киприк - ўққа ўхшатилиб, қош ва киприкка бир хил вазифа юклатилмоқда.

Шоир гоҳо қош билан кўз мадҳини юз ва соч мадҳи билан ҳамоҳанглиқда беради:

Эй юзи қамар, кўзи қирон, қоши ҳилолим.

*Бир балодур қаро жонимга сочииг,
Қоши күзунг қаро бало сингари.*

Шоир қош ва кўз ифодаси учун барча воситалардан истифода этади, анъанавий ҳолатларга ҳам мурожаат қиласди, ноанъавий тимсоллар ҳам ишлатади. Узоқ бормай тағин мисолларга мурожаат қилсак:

*Эй кўнгул, ул дамки севдунг сен бу кўзу қошини,
Хотиримда кечтиким бот ўйнағунгдур боини.*

*Икки кўзунгдур балойи жон, даги қош бир сари.
Боқмас даги кўнгулга қошинг бир кўз учидин.*

Кўзунг ул қош ёсиндин қачонким ўқ отар бўлса.

*Қошинг анлинда ажсойиб кавкаби түгмии кўзунг,
Ким, ҳар ойнинг бошида икки қирони кўрнадур.*

*Гарчи машҳури жаҳондур кўзларинг фаттонлиги,
Қошларинг сарфитнаву оиуби олам кўрнадур.*

Қоши ёсиндин хаданг гамзаким отти кўзунг.

Юқоридаги мисоллардан аён бўладики, биз, асосан, қош ва кўз ёнма-ён тавсифланган мисра ва байтларни танлаб олганмиз. Атоий ўз ғазалларида қош ва кўз талқинларига хос ижобий ва салбий ифодалардан ҳам ўринли фойдаланади, бу эса юз аъзолари инчунун, қош ва кўз тимсоллари бадииятининг нозик қирраларини ихтиро этишда кўл келади. Мавзуу эътибори ила якун ясадиган бўлсак, ушбу юқорида айтилганлар ҳали ибтидоий сўзлар эканига амин бўламиз.

REFERENCES

1. Навоий А. Асарлар. Ўн беш томлик. Т.1. Фаройибус - сиғар. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1963. – 496 бет.
2. Навоий Алишер. Асарлар. 15 томлик. Т.2. Наводируш - шабоб. Нашрга тайёрловчи Ҳамид Сулаймон. – Тошкент: Ўззадабийнашр, 1963. – 428 бет.
3. Ўзбек мумтоз адабиёти намуналари. II жилд. (XIV–XV асрнинг бошлари). Тузувчи, изоҳ ва шарҳлар муаллифи: ф.ф.д., проф. Насимхон Раҳмон. – Тошкент: ЎзР ФА “Фан” нашриёти, 2007. – 320 б.